

РЕСПУБЛИКА

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKEHT HAQIQATI

1828 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 2 август, шанба

• №62 (11.553)

Эркин нархда сотилади

## ДЕҲҚОН МАНФААТИ – ЮРТ МАНФААТИ

Кашкадарёда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари билан яқиндан танишиш учун вилоятга келган Президент Ислом Каримов 1 август куни Қарши шаҳридаги сержантлар мактабига борди.

Армиямизнинг муҳим бўғини ҳисобланган сержантлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Жаҳон тажрибасидан аскарни ҳақиқий жангчи сифатида тайёрлашда сержантларнинг аҳамияти нечоғли катта экани маълум.

Ислом Каримов аскар ва офицерлар билан сухбат чоғида масаланинг шу томонига алоҳида эътибор берар экан, сержантлар тайёрлаш ишини ҳар жихатдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш-ўрганиш шароитини яхшилашга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, бу борада тегишли раҳбарларга зарур маслаҳат ва топшириклар берди.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕСТ СИНОВЛАРИ



**СУРАТДА:** тест синовлари пайтидан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

**Кечаки республикамиз олий ўкув юртларида кириши имтиҳонлари – тест синовлари бўлиб ўтди.**

Мана 11 йилдан бўён республикамизда олий ўкув юртларида кириш тест синовлари орқали ўтказиласпти. Унинг адолат месони эканлигини бугун кўпчилик тушуниш етди.

Олий ўкув юртларида хужжат топшириган абитуриентларнинг кўпчилигини оддий меҳнаткашларнинг фарзандлари ташкил этиши қувонарли ҳол, албатта. Ёшларнинг техника, замонавий технологияга, хукуқшуносликка, педагогика ҳамда иқтисодиётга қизи-

(Давоми 2-бетда).

## Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига амалий таширифи тўғрисида

2003 йил 6 август куни Россия Федерацияси Президенти В.Путин Ўзбекистонга амалий ташриф буюради.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва

Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.



дилни яйратиб туради.

Бу – янги-янги ташаббусларни бошлаб, изчил амалга оширилиши натижасида вилюятимизнинг энг обод тумани унвонини иккинчи маротаба ўзида сақлаб қола олган Паркент. Қатъият билан, босқичмабосқич амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ҳалол меҳнат шундай самара бермоқда. Мамлакатимиз мус-

## ИСТИКЛОЛНИНГ БУНЁДКОРЛИК ЙУЛИ



Ўзбекистон пойтахтидан чиқиб, Чирчик дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб катта йўлдан юқори-лаб юрсангиз, ўзингизни мутлақо бошқа оламга кириб бораётгандек сеза бошлайсиз. Бу холат тумани худудида, айниқса, яққол сезилади. Турли-туман гуллар минг бир рангда очилиб, адл ва равон йўл бўйларини яшнатиб турибди. Йилар ҳам бир-биридан ораста. Майдонлар соя-салқин, топ-тоза. Бу хушруй манзара бора-боргунингизча кўзни қувонтириб,

тақиллигининг 12 йиллиги – энг улуғ миллий байрамимиз арафасида туманда бўлиб, шу ўзгаришларнинг бунёдкорлари – паркентликларнинг буғунги кундаги ўйлари, ишлари билан танишдик.

«Тошкент ҳақиқати»нинг 4-5-саҳифаларида ана шу мафтункор туман, бағри кенг, кўнгли очиқ, меҳнати баракали дилкаш паркентликларнинг бунёдкорлик меҳнати ҳақида хикоя қиласиз.

## Болалар спорти

### ҲАММАСИ ЁШЛАР УЧУН

Бекобод туманинадаги Даъварзин ширкат ҳўжалиги ўйнгоҳи икки ҳафта ичидаги тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Шу муносабат билан бу ерда «Спорт – саломатлик ва соғлиқ гарови» шиори остида тадбир ўтказилди. Шунингдек, тумандаги мактаблар учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими томонидан 5 миллион сўмлик спорт анжомлари топширилди.

— Биз дастлабки спорт анжомларини Бўстонлиқ тумани мактабларига ахратган эдик. Бу галисини бекободлик ўқучиларга тақдим этдик, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими раиси Раҳматхон Тиллаев.

(Давоми 2-бетда).

## ДЕҲҚОН МАНФААТИ — ЮРТ МАНФААТИ

бўлади. Туман, вилоят ва мамлакат миқёсидағи шартномавий режалар бажарилиши ҳам таъминланади.

Ислом Каримов ташаббус дехқоннинг ўзидан чикиши муҳимлигини таъкидлadi. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги Яхё ота Эргашев оиласи меҳнат килаётган пахта даласида учрашув чоғида ҳам шу мавзу атрофидаги сухбат давом эттирилди.

Президентимиз фермерликнинг афзалликлари билан, пахта ургунинг турларига меҳнаткашлар қандай муносабатда эканлиги билан қизиқди. Кувонарли жиҳати шундаки, пахтакорлар меҳнатдан қониқиши хосил қилияти. Чунки даромаднинг чўғи ўз кўлида эканлигини англаб етмоқда.

Яхё ота 14 фарзанди билан шу ерда меҳнат килиб, кам бўлганий йўқ. Хар йили мавсум сўнгидаги кўзланган маррасини эгаллаётir.

Юртбошимиз масаланинг ижтимоий-иктисодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратар экан,

(Давоми. Боши 1-бетда).

ер ва меҳнат тақсимотида ҳар бир минтақада ўзига хос шароитдан келиб чиқиш зарурлигини қайд этди. Дейлик, Шарисабз туманида ишга ярокли киши ҳисобига 1,5-2 гектар ер тўғри келади. Бу рақам вилоятнинг бошқа туманларида нисбатан каттароқ. Иш ва ерни шундай тақсимлаш керакки, ишлаган одам меҳнатига яраша фойда олсин. Аҳолининг зичлиги ва экин майдонларининг ҳажмига қараб меҳнат тақсимоти амалга оширилса, кўзланган фойдани олиш мумкин. Дехқон етиштираётган ҳосилда эса алал-оқибат эъюрт манбаатлари акс этади. Айни вақтда жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласи доимий эътиборда бўлиши даркор.

Президентимиз Ислом Каримов дала меҳнаткашларининг барча ишларida янги зафарлар тилади.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига сафари ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА махсус мухбири.**

## ҲАММАСИ ЁШЛАР УЧУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бундай ёрдамни вилоятимиз мактабларидан бошлаганимизнинг сабаби шундаки, аксарият қишлоқ болалари факат мактаблардаги жисмоний тарбия дарсидагина спорт билан шуғулланадилар. Шунинг учун, биз аввало ўкув даргоҳларининг спорт базаларини мустаҳкамламогимиз зарур. Бундай ишларни йил охиригacha барча туманлarda ўтказиши режалаштирганимиз.

Мактабларга жамғарма томонидан баскетбол, футбол, волейбол тўплари, дарвоза тўри, турли кийим-кечаклар, бокс чарм кўлқоплари, спорт қопчалари ва тўшаклари ҳамда теннис ракеткалари тақдим этилди.

— Туманимизда 62 та мактаб мавжуд бўлиб, шулардан 22 тасида спорт заллари бор. Айни кунларда 15 та мактабнинг спорт зали ва майдончалари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, — деди туман ҳокими ўринбосари Каримжон Мавлонов. — Бизга ажратилган спорт анжомларини айнан ана шу заллар ва спорт майдончаларини тўлиқ таъмирдан чиқарган мактабларга бераятимиз.

Шу куни Далварзин ўйнгохининг очилиш маросими байрамга айланаб кетди. Тумандаги спорт мактаби тарбияланувчиликнинг чиқишлари, хонандаларнинг кўй ва кўшиклари қишлоқ аҳолисига завқ бағишилади.

**Камолиддин АСҚАРОВ,  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Журналистларни қайта тайёрлаш ҳалқаро жамоатчилик марказида «Марказий Осиёда ОАВни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси»нинг тўртингчи босқичи тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур лойиҳа минтақада 2000 йилдан бўён Швейцариянинг «Cimera» ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда ҳамда Швейцария Ривожланниш ва хамкорлик агентлиги (SDC) томонидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳанинг мақсади Марказий Осиёе мамлакатларида ОАВнинг

мавқенини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат ҳамда уч давлат: Қирғизистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистонни қамраб олади. Унинг янги босқичида кўйилган вазифалар бирмунча ўзгарди: агар аввал минтақавий мулоқотни ривожлантиришга ургу берилган бўлса, эндиликда кишиларни ахборот билан таъминлашни кенгайтириш ва журналистларнинг касб малакасини оширишга кўпроқ эътибор қаратилиди. Бундай ёндашув аҳолини фуқаролик жамиятини шаклланти

риш, уни бошқаришни мукаммалаштириш ва ошкораликни кучайтириш жараёнларига кенг жалб килишга имкон бериши керак.

Лойиҳанинг Ўзбекистондаги институционал ҳамкори Журналистларни қайта тайёрлаш ҳалқаро жамоатчилик маркази бўлиб, ушбу марказ Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги оммавий ахборот воқитлари ходимлари ўтасида сўров ўтказишида фаол иштирок этди.

ЎЗА.

## ТЕСТ СИНОВЛАРИ

қишиларининг устунлигини шу йўналиш бўйичаabituriyentlaridan тушган аризалар кўплиги ҳам кўрсатиб туриди. Янги ўкув йили арафасида биргина Тошкент вилоят педагогика институтига 4075 нафарabituriyent ҳужжат топшириб, ўз билимларини синаб кўрди. Бундан 1688 нафари кундузги.

(Давоми. Боши 1-бетда).

1658 нафари эса сиртқи бўлимда ўкиш учун имтиҳон топшириди. Шунингдек, коллежларни тутгатган ўз маълумотини ошириш учунabituriyentlikka ҳужжат топшириган 729 нафар талаба эса, маҳсус сиртқи гурухга тест синовлари орқали белгиланган режа бўйича қабул қилинади. Бу кўрсаткич талабаликка қабул қилинадиганларнинг сонига кўра, кундузги

бўлимда бир ўринга 3 нафарни, сиртқига эса 10 нафарни ташкил этди. Кўриниб турибди, аксариятabituriyentlar ҳам ишлаб, ҳам ўкишни иктиёр этгандар.

Биз кеча тест синовларини мувваффақият билан топширган барча йигит ва қизларимизга талабалик толеи насиб этишини тилаймиз.

Ўз мухбириз.

## БАНК ТИЗИМИ ВА МАТБУОТ

— Танлов шу йил 14 ноябрчагача давом этади, — деди «Ахбор-Рейтинг» компанияси радио Равшан ХАЙДАРОВ. — Истиқолол йилларида мамлакатимиз банк тизими шаклланди. Бозор иқтисодиётiga мос иккни погонали банк тизими вужудга келтирилди. Шуни айтиш жоизки, банкларга аҳолининг ишончи қанчалик ортса, банклар фаолияти шунчалик тез ривожланади. Бу борада уларнинг фаолиятини матбуотда кенг ёритиб бориш ижобий натижалар беради.

Аҳолининг банк тизими фаолияти, иқтисодий ва молиявий масалаларга бўлган қизиқишини қондириш учун шу мавзуда тайёрланадиган хабарлар, мақолалар, эшилтириш ва кўрсатувлар мазмуни ва сифатини яхшилаш, қолаверса, мазкур соҳани ёритадиган журналистлар меҳнатини рағбатлантириш танловнинг асосий мақсадидир.

ЎЗА.

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари билимдонлари ўтасида республика танлови ўзон қилинди.

Маданият ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, иккинчи бор ўтказилаётган ушбу танлов ижтимоий-сийсий, илмий-маърифий мавзулардаги энг яхши асарлар намуналарини кенг тарғиб ва ташвиқ этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан биридир. Бу эзгу ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга ошириляти.

Тадбирнинг якунловчи босқичи сентябр ойида пойтахтимизда бўлиб ўтади.

ЎЗА.

## «Янгийўл ёғ-мой» ҲЖ Кузатув кенгаши акциядорлари диққатига!

2003 йил 23 август соат 9.00 да Янгийўл шаҳар, маданият уйида (Самарқанд кўчаси, 190-йи) «Янгийўл ёғ-мой» ОҲЖ акциядорларининг навбатдан ташқари мажлиси бўлишини маълум қиласди.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 8.00 дан бошланади.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Тағтиш комиссиясига мустақил аъзоларни қайта сайлаш.
2. Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларини рағбатлантириш ҳақида.
3. Тағтиш комиссияси раиси ва аъзоларини рағбатлантириш ҳақида.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг «Шиша идиш заводи қуриш учун чет эл банкидан валюта кредитини олиш мақсадидаги акциядорлик жамияти мулкини гаров таъминоти сифатида расмийлаштириш» таклифи ҳақида.

Кун тартибида белгиланган масалалар бўйича туғилган саволларга акциядорлар қўйидаги монзил бўйича жавоб олишлари мумкин: Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 352-йи, «Янгийўл ёғ-мой» ҲЖ.

Тел. 2-62-03.

## Оҳангарон тумани «Машина-трактор парки» акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2003 йил 2 сентябр куни соат 10.00 да Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Қорахтой қишлоғида жойлашган Оҳангарон тумани «Машина-трактор парки» акциядорлик жамияти биносига навбатдан ташқари умумий акциядорлар йиғилишига барча акциядорлар тақлиф этиладилар.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Тошкент вилояти МТПлар бирлашмаси ОАЖнинг 11.07.2003 йилдаги 01-08/27-сонли хатининг ижроси тўғрисида.
  2. Жамият тағтиш комиссияси таркибига ўзгарттириш киритиши.
  3. Кузатув кенгаши таркибига ўзгарттириш тўғрисида.
- Саволлар билан (8-264) 5-33-24 рақамли телефонга мурожаат қилиш мумкин.
- Оҳангарон тумани «Машина-трактор парки» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши.

## РАЙСНИНГ ХАЙРЛИ РЕЖАЛАРИ

Юкоричирчик туманиндағы "Узбекистон" хұжалиғы аяздары әртә баҳорда йүл ёқаси ва хиёбонларга 24 мінг туб мевали ва манзаралы дараҳт күчаты үткәзган, олты гектар майдонда бөг барпо этгән эди. Уларнинг деярли хамаси барк уриб япрок ёзди.

- Худудимизда түрттә мактаб бор, - дейді хұжалик раҳбары Аскар Үктамалиев. - Уларнинг иккитасини оталиғимизга олған миз. Бултур 5-мактаб ошонасими таъмирлаб берган эдик. Хозир уннинг спорт залини таъмирлайпаз, Оталиғимиздеги 6-мактабнинг спорт залини таъмирини ҳам үз зыммамизга олдик. Шу ишларга ўн миллион сүм атрофидан маблаг сарфлаймыз.

Хұжаликда бу йил галла мүл бўлди. 647 гектар майдонда галла парваришланди. Уч мінг тонналик хирмон ўюлди.

- Хұжалигимиз ихтиёрида саккиз юз тонна дон колди. Уннинг юз тоннасини уруғлика ахратиб кўйдик. Икки юз уч тоннаши шартнома-режасини дўндириб бажарган оиласларнинг улуши. Қолганини арzon нархда хұжалик аязларига, кам таъминланган оиласларга сотамиз. Умуман, ғаллачиликнинг ўзидан тўйсон-юз миллион сүм соғ фойда кўроямиз, - дейді раис. - Бу ўтган йилдагига қараганда учтўрт баравар кўп. Ана шу фойда хисобидан иккита трактор сотиб олмоқимиз. Олти-етти миллион сүмни аязларимизга девиденд тарикасида тарқатамиз. Бир кисмини ободончилик, янги курилиш ишлари учун сарфлаймиз.

ЎЗА.

"Оҳангаронлинпласт" очик акциядорлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб боряпти.

Истеъмолчиларга йилнинг ўтган олти ойи мобайнида бир миллиард 110 миллион сүммик маҳсулот етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 баравар кўп демакдир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан бирга уларнинг турлари ҳам кўпаймокда. Турил хил линолеумлар, том ёпқич материаллар, мебель, қишлоқ хұжалик ҳамда ошхона плёнкалари тайёрланадиган корхонада якында нефт-газ саноати кувусларини ўраш учун маҳсус плёнка ҳам етказиб берила бошланди.

- Корхонамиз Германия технологияси асосида бутунлай қайта жиҳозланди. Шу жиҳатдан Марказий Осиё, ҳатто МДХ давлатлари орасида ягона десам адашмайман. Маҳсулотларимиз сифати ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан ҳам улар омборда туриб қолаётгани

**Тошкентда АҚШнинг «LAND O Leaves» ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси, «Ўзгўштуссаноат» акциядорлик уюшмаси ҳамкорлигига «Озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқиши мумкин бўлган касалликларга карши кураш» мавзудида семинар үтказилди.**

«LAND O Leaves» АҚШдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи йирик компания хисобланади. Юртимизда синов тарикасидаги «Мактаб озиқ-овқат дастури» амалга оширилди. Дастурга мувофиқ АҚШ қишлоқ хұжалик депар-

## "Оҳангаронлинпласт" нинг ҳаридоргир маҳсулотлари



йўқ. Ҳаридорлар сони ҳам борган сари ортиб бормоқда. - дей-

ди корхона бosh мұхандиси Рустем Курбоналиев.

## КАСАЛЛИККА ҚАРШИ ДАСТУР

таментидан олинган куруқ сут кайта ишланиб, Фарғона водийси мактабларига етказиб берилди. Мактаб бошланғич синф болалари витаминга бой сут ва печенельлар билан таъминланди. Дастур Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси мактабларида амалга оширилди. Ҳозирда

навбатдаги лойиҳа юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Мазкур дастурга мувофиқ келтирилган куруқ сутни қайта ишлаш корхоналари вакиллари иш жараёнида хавфсизликнинг таҳлили юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш борасида тренинг машғулотлар ҳам үтказилди.

«Туркестон-пресс».

## "ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ЎЗБЕКИСТОН"

Хиндистаннинг мамлакатимиздаги элчихонаси Ўзтеле диокомпанияга "Давр билан ҳамнафас Ўзбекистон" фильмини тақдим этди. "Жаҳон" ахборот агентлиги кўмагида суратга олинган ушбу фильмда истиқолол ийларида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, ўзбек ва хинд халқларининг тарихий, маданий ва дўстлик алоқалари ҳақида ҳилинади.

ЎЗА.

## ЯНГИ АВТОБУСЛАР ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимиз мустақилларининг 12 йиллиги тантаналари арафасида пойтактимизга Германияда ишлаб чиқарилган "Mercedes-Benz Conecto O 345" маркази 100 та автобус келтирилди. "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасида кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида шу автобусларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда "Тошшаҳар йўловчitrans" давлат уюшмаси раиси Р.Файзуллаев, "Даймлер Крайслер АГ" концернининг "Мерседес Бенц Автобуслар" компанияси ижрочи директори Волфганг Презингер сўзга чиқиб, немис диёрида ишлаб чиқарилаётган бундай йўловчи ташиш машиналари ўзининг сифати, шинамлиги, атрофимуҳитга кам зарар етказиши ва бошқа кулайликлари билан ўзбекистонликларга мансур бўлаётганини таъкидлади.

Ушбу транспорт воситалари мамлакатимиз иклим шароитига мос келиши ва техник жиҳатдан мустаҳкамлиги билан ўзини оқламоқда. Ҳусусан, уларнинг ҳар бири бир миллион километрдан ортиқ йўлни таъмирсиз босиб ўтиши мумкин.

Мазкур автобуслар Тошкент шахри ахолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, пойтакт автобус паркини замонавий транспорт воситалари билан жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 24 сентябрда қабул қилинган қаро-

рига мувофиқ келтирилмоқда.

"Тошшаҳар йўловчitrans" давлат уюшмаси билан "ЭвоКус ГмбХ, Мерседес Бенц Автобус-

## ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари кейинги ишларда ойнаи жаҳон учун кўплаб янгидан-янги киноасарлар яратиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этмоқда.

«Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари» номли, беш қисмли бадиий телевизион фильм эса, жамоанинг сўнгги ишларидан бири бўлди.

Студияда бўлиб ўтган тақдимот маросимида мазкур янги эртак-фильм билан танишган бадиий кенгаш аъзолари, ёзувчиликлар, драматурглар, санъатшу-

нослар, фильм ижодкорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари асарнинг ютуклари ҳамда унда йўл кўйилган камчилликлар хусусида фикр алмашдилар.

Юртимизда «Зумрад ва Қиммат» эртагини ўқимаган, уннинг асосида яратилган саҳна асарлари, телеспектакллар, суратга олинган бадиий ва мультиплекшен фильмларни кўриб, таъсирланмаган одамни топиш қишини. Янги эртак-фильм қаҳра-

## ЭРТАКНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

моналари ҳам ёвуз кучлар устидан ғалаба қозониб, эзгу мақсадлари сари интиладилар ва мурод-мақсадларига етадилар.

Муаллиф Раъно Солиҳова, саҳналаштирувчи режиссрлар Мэлис Абзалов ва Нажмиддин Ғуломов, бастакор Мирхалил Маҳмудов ҳамда актёrlар гурухи талқинидаги ушбу фильм телетомошабинларнинг севимли аса-рига аланди.

Шавкат Қулибоев.

## Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали

шуни маълум қиладикн, кимошиби савдоларига қўйилиб, сотилмаган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Тюльпановский тар кўчаси, 92-йида жойлашган «Тошкент машинасозлик корхонаси» ОТАЖга қарашли 2390 кв.м. бўлган цех биноси биржа савдоларига үтказилди.

Бошланғич нари — 30 809 500 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А. Қадирий кўчаси, 13-йи. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**



ЎЗА.



**Dushanba****4****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлинома». 8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.10 «Аждодлар мероси». 9.45 «Дунёкараш». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Кўк куш». Бадий фильм.  
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.  
12.05 «Қўрсатувдан - қўрсатувгача». 12.25, 14.30 ТВ анонс.

**Seshanba****5****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намойши: «Янгиланиш йўлида». 9.15 «Зарблар сехри». 9.40 «Буюк аждодларимиз». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Мулқор». 10.25 «Чипполино». Бадий фильм. 11.45 «Нурли манзилар». 12.05 «Қўччилик каторида». 12.25, 14.40 ТВ анонс. 12.30 «КиноТеатр». 12.50 «Қўшиғимиз Сизга армугон». 13.10 А. Қажхор. Ҳажвий новеллалар. 13.50 ТВ клип.

**Chorshanba****6****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намойши: «Хисор кўрихонаси». 9.20 «Шарқ тароналаши». 9.40 «Соғлом она - соғлом бола». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Тафсилот». 10.25 «Бўйилар ҳакида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм. 11.15 «Эл тинчлиги йўлида». 11.35 Симфоник мусика дунёси. 11.55, 12.25 ТВ анонс. 12.05 В. Шекспир. «Отello», Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-кисм. 13.50, 16.20 ТВ клип.

**Payshanba****7****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. Ҷигъи таътил кунларида. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Цирк, цирк, цирк». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.25 «Фитна». Ҳужжатли фильм. 1-кисм. 12.05 «Фитна». Ҳужжатли фильм. 1-кисм. 12.25 «Муҳлис ёхуд кўшик изидан». 12.45 В. Шекспир. «Отello». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.

- 18.35 «Қалб гавҳари». 18.55 Бир жуфт кўшик. 19.05 «Мулқор». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.25 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 2003 йил – Обод маҳалла ийли. «Қўччилик каторида». 21.25 «Ватан мадҳи». 21.35 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал. 15.25 «Яхшилик». 15.55 «Камила». Телесериал. 16.25 «Чорраҳа». 16.45 «Покахонтас». Мультсериял. 17.35 «Ифтихор». 17.55 ТВ маркет. 18.10 «Ўзбектелефильм» намойши: «Олимпиададаги Ўзбекистон одимлари».

**«Ёшлар» телеканали**

- 17.55 Кўрсатувлар дастuri. 18.00 «Янги авлод» почтаси. 18.15 Белида белбоғи борлар. 18.35 Тафаккур ёлқинлари. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ – анонс. 19.40 Мусиқий лаҳзалар. 19.50 Ёшлар овози. 20.10 Илдиз ва япроқ. 20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар. 20.35 «Гвадалупе». Телесериал. 21.20 Сув – ҳаёт манбай. 21.30 Қишлоқдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс.

**«Тошкент» телеканали**

- 22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастuri: Интерфутбол. 23.35 -23.40 Хайрли тун.

**«Халқаро» телеканал**

БИРИНЧИ КАНАЛ

- 6.30 - 8.00. 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести». 16.20 «Хаёллар ороли». 17.05 «Евроньюс» янгиликлари. 17.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув. 19.15 «ТТУда сериал. «Айрилик азоби». 20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Кирқ тогоранинг кирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм. 1-кисм. 21.10 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам». 21.50 ТТУда сериал. «Қайсар ва довюраклар». 22.10 «Avto-news». 22.50 «Кинонигоҳ. «Ягуар». 00.25-00.30 Хайрли тун, шахрим!

- 21.35 «Бизнес ревю». 21.40 «Хинд оҳанглари». 22.05 «Қалбим чечаги». Сериял. 22.55 «Ахборот». 23.30 Кинематограф. «Катта бизнес». Бадий фильм. 1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

- 16.55 йаҳа профилактика ишлари. 16.55 Даструринг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Микки ва Мод». 19.30 «Ошикона» мусикий дастур. 19.45 «Курортдаги ишқмуҳаббат». Сериял. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкитойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Шарқи командаси». 23.15 «30-канал»да спорт.

**Seshanba****5****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намойши: «Янгиланиш йўлида». 9.15 «Зарблар сехри». 9.40 «Буюк аждодларимиз». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Мулқор». 10.25 «Чипполино». Бадий фильм. 11.45 «Нурли манзилар». 12.05 «Қўччилик каторида». 12.25, 14.40 ТВ анонс. 12.30 «КиноТеатр». 12.50 «Қўшиғимиз Сизга армугон». 13.10 А. Қажхор. Ҳажвий новеллалар. 13.50 ТВ клип.

- 22.00 ТВ клип. 22.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик»-«Пахтакор». 23.00 ТВ клип. 23.10 «Ахборот-дайжест». 23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

- 6.55 Кўрсатувлар дастuri. 7.00 «Мунавар тонг». Информацион дам олиш дастuri. 9.00 Давр. 9.15 Тонги сериал: «Доктор Финли» 21-кисм. 10.05 ТВ – анонс. 10.10 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Бахти болалик. 10.45 «Мульттомоша». 11.00 Саломатлик сирлари. 11.20 «Гвадалупе». Телесериал. 12.00 Ёшлар овози. 12.40 Ўйна, болажон, ўйна. 12.55 ТВ – анонс.

- 13.00 Давр. 13.10 Ёзи таътил экрани: «Анпанман». Мультсериял. 13.35 Интерфутбол. 15.15 Қишлоқдаги тенгдошим. 15.35 «Австралиянинг ёвойи табиати». Ҳужжатли сериал 3-кисм.

- 16.55 Кўрсатувлар дастuri. 17.00 «Янги авлод» студияси: Беш бармоқ. 17.25 Мультифильм. 17.45 Таянч. 18.05 ТВ – анонс. 18.10 Кўли гул уста. 18.30 Автопатрул. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр» – интервью. 19.50 ТВ – анонс. 19.55 Мусиқий лаҳзалар. 20.05 Ёшлар овози. 20.25, 21.10, 22.35 Эълонлар. 20.30 «Гвадалупе». Телесериал. 21.15 Ўзбекистон

**«Тошкент» телеканали**

- 21.45 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастuri: 1. Нокаут, 2. Тенис. 23.45 - 23.50 Хайрли тун.

**«Халқаро» телеканал**

- БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30 - 8.00. 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести-спорт». 16.20 «Хаёллар ороли». 17.05 «Евроньюс» янгиликлари. 17.20 «Машҳурлар. С. Карлинская». 17.50 «Аждодлар хазинаси». Сериял. 19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериял. 20.00 «Время». 20.30 «Чўқинтирган ота». Сериял. 21.35 «Бизнес ревю». 21.40 «Х-Спорт». 22.00 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 22.10 «Қалбим чечаги».

- Сериял. 23.00 «Ахборот». 23.35 Кинематограф. «Қўли гул аёл». Бадий фильм. 1-кисм. 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

- 9.00 Даструринг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Паэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар». Сериял. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериял. 12.00 «Шарки командаси». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30»да спорт. 16.50 «Ҳужжатли сирал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Галлионли». 19.30 «Ошикона». Мусикий дастур. 19.45 «Курортдаги ишқмуҳаббат». Сериял. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкитойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Кўз игламас максадлар». 23.15 Спорт дастuri.

**Chorshanba****6****«Ўзбекистон» телеканали**

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намойши: «Хисор кўрихонаси». 9.20 «Шарқ тароналаши». 9.40 «Соғлом она - соғлом бола». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Тафсилот». 10.25 «Бўйилар ҳакида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм. 11.15 «Эл тинчлиги йўлида». 11.35 Симфоник мусика дунёси. 11.55, 12.25 ТВ анонс. 12.05 В. Шекспир. «Отello», Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-кисм. 13.50, 16.20 ТВ клип.

- 22.00 «Мунавар тонг». Информацион дам олиш дастuri. 9.00 Давр. 9.15 Тонги сериал: «Доктор Финли». 22-кисм. 10.05 «Давр» – интервью. 10.20 «Янги авлод» студияси: Беш бармоқ. 10.40 «Одам бўлмайди». Бадий фильм. 11.10 Қўли гул уста. 11.30 Ҳужжатли сиралари.

**«Ёшлар» телеканали**

- 6.55 Кўрсатувлар дастuri. 7.00 «Мунавар тонг». Информацион дам олиш дастuri. 9.00 Давр. 9.15 Тонги сериал: «Доктор Финли». 22-кисм. 10.05 «Давр» – интервью. 10.20 «Янги авлод» студияси: Беш бармоқ. 10.40 «Одам бўлмайди». Бадий фильм. 11.10 Қўли гул уста. 11.30 Ҳужжатли сиралари.

- 12.00 Ёшлар овози. 12.20 «Танбур» («Ўзбек-телефильм») 12.35 Қўли гул уста. 12.55 ТВ – анонс. 13.00 Давр. 13.10 Ёзи таътил экрани: «Анпанман». Мультсериял.

- 13.35 Ёшлар телеканалида спорт дастuri: 1. Нокаут, 2. Тенис. 14.35 «Чекиш – соғликка зарар» («Ўзбек-телефильм») 14.45 «Учинчи сайёра» мърифий дастuri. 15.35 ТВ – анонс. 15.40 «Одам бўлмайди». Бадий фильм. 17.10 Кўрсатувлар дастuri.

- 17.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар. 17.35 «Мульттомоша». 18.00 Ҳазина. 18.20 Ёшлар овози. 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Зинама-зина» телевизори. 20.00 Спорт – лото.

**«Тошкент» телеканали**

- 20.10 Мусиқий лаҳзалар. 20.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 ийлиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурхонов». Видеофильм 1-кисм. 20.25, 21.20, 22.35 Эълонлар. 20.40 «Гвадалупе». Телесериал. 21.25 Чемпион сирлари. 21.45 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.

17.50 «Мульттомуша». 18.05 Ёшлар овози. 18.25 Табобат оламида. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иклиз. 19.00 Давр. 19.35 «Давр» – интервью. 19.50 ТВ -анонс. 19.55 Ўзбекистон Республикаси Муста-киллигининг 12 ийлиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Мутал Бурхонов». Видео-фильм 2-кисм. 20.10 Мусиқий лаҳза-

лар. 20.20 Бегойим. 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.45 «Гадалупе». Телесериал. 21.30 Куткарув «050». 21.45 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Ёшлар» телекана-лида спорт дастури: Интерфутбол. 23.35-23.40 Хайрли тун. **«Тошкент» телеканали**

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТУда сериал «Кайсар ва довюрак-лар». 17.45 «Навниҳол». 18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Табриклиймиз-култаймиз». 18.30, 20.00, 21.40, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Бурч ва масъу-лият». 19.05 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Қоядаги расмлар». 19.15 «ТТУда сериал.

«Айрилик азоби». 20.25 Хаёт сабоқлари: «Қирқ тогоранинг кирк ногораси». Кўп кисмли видеофильм. 4-кисм. 21.10 «Умр йўлдоши». 22.00 ТТУда сериал. «Эдемга қайтиш». 23.05 Кинонигоҳ. «Бокирилик асри». 1-кисм. 00.20.00.25 Хайрли тун шахрим!. **«Халқаро» телеканал**

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30

- 8.00. 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести-спорт». 16.20 «Хаёллар ороли». Сериал. 17.05 «Евроньюс» янгиликлари. 17.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув. 17.50 «Аждодлар хазинаси». Сериал. 19.00 «Ишон» ва мұхаббат замини». Сериал. 20.00 «Время». 20.30 «Чукинтирган ота».

21.35 «Бизнес ревю». 21.40 «Кун мавзуси». 22.00 «Соккер клуб». 22.20 «FCN Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 22.30 «Ахборот». 23.05 Кинематограф. «Ака-ука ошиклар». Бадий фильм. 1.25 «Туннинг осуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Даструрнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауз Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар».

21.05 «Клип-совга». Телебрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичинойлар!». 21.30 «30-канал киноошоми: «Янги келган». 23.15 Спорт дастури.

рейнжерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Портлатувчи». Фильм. 13.30 «Уотилликни баён этиди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал киноошоми: «Эсадан оғизи». 19.30 «Ошикона». Мусиқий дастур. 19.45 «Курордаги ишк-муҳаббат». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телебрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичинойлар!». 21.30 «30-канал киноошоми: «Янги келган». 23.15 Спорт дастури.

**JUMA****«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 -8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайдераси»: 9.00 1. «Кизикарли учрашувлар». 2. «Ғаройибентга саёҳат». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Ишибарларни кишилар». Бадий фильм. 11.25 «Ўзлигинг намоён кил». Экранда – Сирдарё вилояти. 11.45 «Фитна». Ҳужжатли фильм. 2-кисм. 12.05 «Сиҳат-саломатлик». 12.25, 15.55 ТВ анонс. 12.30 Мусиқий танафус. 12.45 «Хаёт ва қонун». 13.05 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим». 13.20 «Олам». Телеальманах.

**8**

13.50 ТВ клип. 14.10 Телемулоқот. 14.50 Қундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал. 15.35 «Буюк аждодларни миз». 16.00 «Камила». Телесериал. 16.30 «Қўйла, ёшлигим». Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайдераси»: 16.50 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўила, Изла, Топ!» Телемусобака. 18.10 «Олтин бешик». 18.30 «Иқтидор». Интеллектуал телевийин. 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Бир жуфт кўшик. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.35 «Ватан маддиги». 21.40 «Ўзбекистон» телеканалида илк

маротаба: «Камила». Телесериал. 22.10 «Тараққиёт йўли». 22.30 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон ва Германия терма жамоалари уртасидаги ўртоқлик учрашви. 23.00 «Ахборот-дайжест». 23.20 «Олтин сур изидан». Бадий фильм. 00.55-1.00 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунавар тонг». Информацион дам олиш дастури. 9.00 Давр. 9.15 Тонги сериал «Доктор Финли» 24 - кисм (якунловчи). 10.05 «Давр»-интервью. 10.20 ТВ – анонс. 10.25 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик. 10.45 Бегойим. 11.05 «Гадалупе». Телесериал. 11.45 Ёшлар овози. 12.05 Жаҳон жуғроғияси. 12.55 ТВ-анонс.

13.00 Давр.

13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мульти сериал. 13.35 Бахти болалик кўшиклари. 13.45 Интерфутбол. 15.25 Сират. 15.45 «Қуашондан чиққанда». Бадий фильм. 17.00 ТВ-анонс. 17.05 «Сирли коинот». Маърифий фильм 4-кисм. 17.30 Кўрсатувлар дастури. 17.35 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 17.55 «Қўён оғаникода ховли тўйи». Мульти фильм. 18.15 Аскар мактублари. 18.35 Болалар спорти: ахвол қандай? 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иклиз. 19.00 Давр. 19.25 «Давр» нигоҳи. 19.55 Қишлоқдаги тенгдошим. 20.15 Мусиқий лаҳзалар. 20.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 ийлиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан:

«Мутал Бурхонов». Видеофильм 3-кисм. 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.45 «Гадалупе». Телесериал. 21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 ийлиги олдидан «Бунёдкорлик» туркумидан: «Ўзбекистон – курилишлар мамлакати» видеофильми. премьера 1-кисм 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ – анонс. 22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2.Футбол плюс. 0.05 – 0.10 Хайрли тун.

**«Тошкент» телеканали**

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТУда сериал. «Кайсар ва довюраклар». 17.55 «Аждодлар хазинаси». Сериал. 18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Табриклиймиз-култаймиз». 18.30, 20.00, 21.55, 23.10 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Хайрли оқшом».

19.15 «ТТУда сериал. «Айрилик азоби». 20.25 Хаёт сабоқлари: «Қирқ тогоранинг кирк ногораси». Кўп кисмли видеофильм. 5-кисм. 21.10 «Дориҳона эшитади». 22.15 «Эл хизматида». 22.30 ТТУда сериал. «Эдемга қайтиш». 23.35 Кинонигоҳ «Бокирилик асри». 2-серия. 00.30.00.35 Хайрли тун, шахрим!

**«Халқаро» телеканал**

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00. 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести-спорт». 16.20 «Хаёллар ороли». Сериал. 17.05 «Евроньюс» янгиликлари. 17.20 «Исон ва қонун». 17.55 «Аждодлар хазинаси». Сериал. 18.55 «Мўжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.30 «Олтин граммофон». 21.30 «Бизнес-ревю». 21.35 «Дурдаршан». 22.00 «Хит парад».

22.30 «Стиль». 22.45 «Ахборот». 23.20 Кинематограф. «Хаёт мазмуни». Бадий фильм. 00.55 «Туннинг осуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Даструрнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауз Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Янги келган». Фильм. 13.30 «Уотилликни баён этиди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт». 16.50 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастур. 19.30 «Ошикона». Мусиқий дастур. 19.45 «Қиёфа ўзгартирувчи изи». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телебрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичинойлар!». 21.30 «30-канал» киноошоми. «Онамнинг дўсти». 23.15 Спорт дастури.

**SHANBA****«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайдераси»: 9.00 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўила, Изла, Топ!» Телемусобака. 10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида». 10.20 «Бу турфа олам». 11.10 Телевизион миниатюралар театри. 11.35 «Олтин бешик». 11.55 ТВ 1 кинотеатри: «Самраат». Бадий фильм. 1-кисм. 13.00 «Ўзбекистон бастакорлари». 13.25 «Самраат». Бадий фильм. 2-кисм. 14.30 ТВ клип. 14.40 «Адабий жараён».

**9**

15.00 ТВ анонс. 15.05 «Покахонтас». Мульти фильм. 15.30 «Қувонлар ва зукколар» Телемусобака. 1-кисм. 16.30 «Ягона оиласда». 17.00 «Чорраҳа». 17.20 «Саргузашлар ороли». Телешоу. 17.50 «Химмат». 18.05 Эстрада тароналари. 18.30 «Саломатлик гарови». 18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўийин. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Оқшом эртаклари». 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглис тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 21.25 ТВ клип. 21.35 «Исон ва ҳуқуқ». 22.05 Болалар спорти:

«Маҳалламиз стадиони». 22.20 «Оқ ва қора». Телешоу. 23.00 «Ахборот-дайжест». «Тунги ёғду»: 23.20 «Маймитти – ороллар фарзанди». Бадий фильм. 00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунавар тонг». Информацион дам олиш дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Давр» нигоҳи. 9.35 ТВ – анонс. 9.40 Табобат оламида. 10.05 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 10.25 «Кюша ва Компюшона». Мульти фильм. 10.45 Қувон стартлар. Телемусобака. 11.15 «Гадалупе». Телесериал. 11.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 ийлиги олдидан.

«Озод юрт фарзандлари». 12.25 Ринг қироллари. 13.15 ТВ – анонс. 13.20 «Жонсиз худуд». Бадий фильм. 14.50 Қишлоқдаги тенгдошим. 15.10 «Экспедиция». Кўп кисмли хужжатли сериал. 16.00 «Ёз нафаси». Манзарали фильм. 16.10 «Учинчи сайдёра» маърифий дастури. 17.00 ТВ – анонс. 17.05 Кўрсатувлар дастури. 17.10 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма. 17.35 «Гуллар шахри» Мульти фильм. 18.00 Бола тилидан. 18.30 ТВ – анонс. 18.35 «Сув ҳаёт манбаи». 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иклиз. 19.00 Давр. 19.35 «Давр»-репортаж. 19.50 Мусиқий лаҳзалар. 19.55 Кутимаган меҳмон. 20.15, 21.10, 22.35 Эълонлар. 20.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 ийлиги олдидан.

**«Тошкент» телеканали**

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Мульчархпалак». 17.40 «Жаҳон географияси». 17.10, 21.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 «Табриклиймиз-култаймиз». 18.35 «Афиша». 18.55 «Ўзбекtelefильм» студияси намойиш этади: «Ҳиванинг мемъорий обидалари». 19.15 «Мисли гавҳар». 19.30 ТТУда сериал «Кайсар ва довюраклар». 19.50 «ТВ мадад». 20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бакадам». 20.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 ийлиги олдидан.

21.15 Оҳанрабо. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 Кинотақдим. 23.05 «Ёшлар» телеканалида премьера «Одамлардан йироқда». Бадий фильм 1-кисм. 0.15-0.20 Хайрли тун. **«Халқаро» телеканал**

9.05 Кўрсатувлар тартиби. 9.10 «Лаззат». 9.30 «Ўйга қайтиш». 10.15 «Ишибарларни кишилар». 10.35 Болалар соати: «Зорро». Мульти фильм. 12.50 «Билишни истайман». 13.05-14.5. Дўстлик видеоканали: «Саҳий хонадонда», «Чинсан», «Бизнен мирас». 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Мультесан». 16.55 «Ассалом, Франция!». 17.10 Р. Чемберлен «Шоҳ Сулаймон конлари». Бадий фильм.

19.05 Е. Шифрин, Я. Арлазоров «Ҳазил кубоги» ҳажвий кўрсатувида. 20.00 «Время». 20.25 «Ҳазил кубоги» концертининг давоми. 22.25 «Т. Полонская билан бирга». 22.45 «Ахборот». 23.20 Кинематограф. «Сўнгги орол». Бадий фильм. 1.10 «Туннинг осуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Даструрнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Теле

Юкоричирчиқ туманинине  
йик ота ширкат хўжалиги  
да бошланган "Мафтункор  
ранглар жилоси" халқаро  
қўрик-тандови яқунланди.

Унда тандовнинг Қорақалпо-  
гистон Республикаси, Тошкент  
шахри ва вилоят босқичлари-  
да голиб чиқсан 68 нафар ёш  
мусаввир иштирок этди. Шу-  
нингдек, Қирғизистон, Қозо-  
гистон ҳамда Тожикистандан  
келган болалар ҳам қатнаши.

*Хар кимнинг ҳаётда ўз ўрни бор. Бирор ҳалоллик ва эзгулик  
үйлини танласа, бошқа бирор нафс ўқонига тушиб, ўз баҳ-  
тига қора чаплади. Бутун ҳаётини, энг ширин дамларини  
пенжара ортига ташлайди. Бундан-да оғир мисабат бўлмаса  
керак дунёда. Тириклигидаги ҳазон бўлган умр шу эмасми?!*

## НАФС ЎПҚОНИ ёки мўмай пул деб жиноят қўчасига кириб қолаётган аёллар ҳақида

Ангрен шахридаги 6/4-даҳа-  
да яшовчи, хеч қаерда ишла-  
майдиган, 1972 йилда туғилган  
Оксана Домашнева гумон  
билан текширилганда, унинг  
ёнидан 0,28 гр героин чиқди.  
Дено ҳалқимиз, аёли бор ўй-  
нинг фариштаси бор дейди.  
Лекин, Бекобод шахрида  
яшовчи, 1952 йилда туғилган  
Кумринисо Этахонованинг ўй-  
идан фаришта ўрнига 7,1 гр  
героин топилди.

Зангюта тумани, Зангюта  
қишлоғи, Г. Азизов қўчасида  
яшовчи, 1973 йилда туғилган  
Наргиза Ваҳобованинг ёнида  
эса, оз эмас-кўп эмас, 9,8 гр  
ана шундай оғу борлиги аниқ-  
ланди.

Ўлимдан олдин тириклигни,  
касаллиқдан олдин соғлиқни,  
кеқалиқдан олдин ёшлиқни,  
очлиқдан аввал тўклигни, тут-  
қинликдан олдин озодликнинг  
қадрига етмоқ лозим, дейди  
ҳалқимиз. Лекин... Баъзида,  
нафс васвасаси одамларни не  
кўйга солмайди, дейсиз.

Ўртачирчиқ туманининг  
«Ҳақиқат» ширкат хўжалигидаги  
яшовчи Лола Ризаева, шу  
хўжаликда жойлашган дала  
ҳовлисида тадбиркор Равшан  
Х. ва 1983 йилда туғилган  
Умид Н.ларга 1000 сўм пул  
эвазига бемазагарчилик қилиш  
учун хона ажратиб берганлиги  
маълум бўлди.

Оҳангаронлик 1963 йилда

## "Мафтункор ранглар жилоси"

Ўзбекистон Мехнат ва  
аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирилиги, "Софлом  
авлод учун" халқаро ҳайрия  
жамғармаси, Бадиий академия,  
Республика ногиронлар  
жамияти, АҚШнинг "Ёнграг"  
халқаро ҳайрия жамғармаси  
билан ҳамкорликда саккиз  
йилдан бўён ўтказиб келинаёт-  
ган тандов бу гал ҳам ўзига

хос тарзда ўтди.

Унда биринчи ўрин Шайхон-  
тоҳур туманинаги биринчи  
"Мехрибонлик уйи" тарбияла-  
нувчиси Рузана Галимова  
ҳамда янгийўллик Нигора  
Ишонбобоевага насиб этди.  
Иккинчи ўринга қирғизистон-  
лик Олтиной Бекмирза қизи ва  
Лутфулло Қодиров лойиқ то-  
пилди. Учинчи ўрин наманган-

лик Мухтасар Маматхўжаева  
ҳамда қорақалпогистонлик Ай-  
нурда Душанбаевага берилди.

Тадбир доирасида болалик-  
дан ногиронлик муаммолари-  
га бағишиланган халқаро семинар  
бўлиб ўтди. Шу жойнинг  
ўзида тиббий ёрдамга муҳтоҳ  
болаларни шифокорлар кўздан  
кечирди.

ЎЗА.



Мен чавандоз бўламан. А. ЖУМАЕВ фотолавҳаси.

### Қатра

## Ўзбукшоғ

Новвойнинг ишини ҳавас  
билин кузатган подши дебди:

«Қани эди, менинг қаро-  
могимдаги ҳатти-ҳаракат-  
лар ҳам мана шу тандирга  
ёпилган нон сингари бир  
мўралашда ёппасига, бир  
пайтда кўрингандага эди».

Турдиали ЖУМАБОЕВ,  
Тўйтепа.

### Ҳалқ табобати

## ОТҚУЛОҚ

Табобатда бу ўсимликнинг  
гуллари, уруғлари, барглари,  
илдизлари ва янги олинган су-  
видан фойдаланилади. Уруғлари-  
ни янчиб, пешоб хайдайдиган,  
ич сурини қолдирадиган вол-  
сита тариқасида овқатдан олдин  
0,3-0,5 граммдан бир марта  
ичиш буюрилади. Барглари ва  
гулларидан тайёрланган дамла-  
малар одамнинг иштаҳасини  
очиб, жигар, юракка кувват  
берилиб, қон кетишини тұхтатади.  
Сарық касаллиғи, иситма, гепа-  
титларда фойда қилади. Отқу-  
лоп дамламаси, қайнатма ва  
экстратлари бадан терисидаги  
яра-чакаларга даводир.

Ибн Сино фикрига қараганда,  
отқулоқ ўти ва уруғлари ич-  
кетарга даъво бўлиб, уруғларини  
сув ёки мусаллас билан ичилса,  
ичакдаги яралар ҳамда ич  
суринида наф беради. Шаробга  
солиб дамланган уруғлари эса  
пешоб тошларини майдалайди.

Отқулоқ ўтидан тайёрланган  
дори-дармонлар замонавий та-  
бобатда колитлар, энтероколит-  
лар, гемоколитларда даво усу-

л и д а  
и ш л а -  
т и л а д и .  
Унинг ични  
қотирадиган ёки  
суютирадиган таъсирини  
и чилдиган микдорга  
боглиқ бўлиб, оз микдори ични  
қотиради, кўпроқ микдори эса,  
аксинча, сурги бўлиб таъсир  
кўрсатади. Илдизлари ва барг-  
ларидан тайёрланган қайнатма-  
ни тери касалларлари, яра-чак-  
алар давосига буюрилади.

Тайёрлаш усуллари: 1. Майда  
тўғралган отқулоқ илдизидан 30  
грамм микдорда олиб, устига 600  
миллиграмм сув кўйилади, бир  
соат давомида қайнатилади, ке-  
йин ярим соат дамлаб кўйб, сув-  
зиг олинади. Бу қайнатмани ге-  
патитда кунига иккى марта ярим  
стакандан ичилади. 2. Бир ош  
кошик майдаланган отқулоқ ил-  
дизидан олиб, устига бир стакан  
сув кўйилади, 15 дақика қайнати-  
лади. Кейин иккى соат дамлаб  
кўйиб, сувзиг олинади ва бир ош  
кошикдан кунига 3-5 маҳал ис-  
теъмол қилинади.

Тайёрлаш усуллари: 1. Майда  
тўғралган отқулоқ илдизидан 30  
грамм микдорда олиб, устига 600  
миллиграмм сув кўйилади, бир  
соат давомида қайнатилади, ке-  
йин ярим соат дамлаб кўйб, сув-  
зиг олинади. Бу қайнатмани ге-  
патитда кунига иккى марта ярим  
стакандан ичилади. 2. Бир ош  
кошик майдаланган отқулоқ ил-  
дизидан олиб, устига бир стакан  
сув кўйилади, 15 дақика қайнати-  
лади. Кейин иккى соат дамлаб  
кўйиб, сувзиг олинади ва бир ош  
кошикдан кунига 3-5 маҳал ис-  
теъмол қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Кошик  
ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003  
йил 28 июнядаги 105-сонли бўйруғи-  
га асосан Тошкент вилояти «Мева-  
сабзавот» худудий бирлашмаси  
ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва аризалар эълон чиқсан  
кундан бошлаб иккى ой давомида  
қабул қилинади.

## СЕРИАЛЛАР МАШМАШАСИ

Шомкишлоплик Наргиза келин  
ишида бир оз ушланиб қолиб, ов-  
қатни кечроқ бошлабди. Ўнгача тел-  
левизорда сериал бошланиб қоли-  
ди. Козонга овқат согланини мут-  
лако унугиб, Наргиза хаёлан Мек-  
сикага «жўнабди». Ўнгача овқат күй-  
иб, кўмирга айланиди. Таасиқ-  
ланмаган хабарларга кўра, ТВ се-  
риаллари түфайли 799 731 хона-  
донда кечки овқат кўмирга айлан-  
ган! 178 998 хонандонда чой кўйил-  
ган човгум тешилган... 548 та са-  
моварнинг жўнраги узилиб тушган!

Наргизанинг овқати кўмирга  
айланиди, аммо пастқурғон-  
лик Карима холанинг ўларида иш  
чаток бўлиди. Ё дод қилаётган  
энанлар. Кино тугагунча қозон ҳам  
йўкмиш, ошхона ҳам! Ёниб кул  
бўлиди. Лоақал ўт ўчирувчилар



Войкентда-

ги Азима хола

билан Нозима хола уришиб қоли-  
шибди. Азима хола Гадалупени қарғаб  
юборибди. Шу-шу юз кўрмас бўлишиб-  
ди Баландтом қишлоғидагилар.

Эмиш...»

— Ўзи яхшику-я... — дебдилар  
Нозима хола, — шу сал тили ча-  
тоқроқ экан-да! Кечагина чориги-  
ни судраб юрувди, миланер бўлиб,  
тили чиқиб қолиби.

Шу баҳона иккита овсин роса  
гап талашибди. Ниҳоят, Нозима  
хола Гадалупени қарғаб юбориб-  
ди. Шу-шу юз кўрмас бўлишиб-  
ди.

Телеқиссалар сабаб бўлиб,  
799737 киши бир-бира билан жан-  
жаллашиб қолганмиш.

— Тўй-томошалар ва бошқа хил  
зийфатлар сериали кўрсатилмайди-  
ган кун — шанба ва якшанбага  
қўчирилсан! — деб талаб қилишиб-  
ди Баландтом қишлоғидагилар.

Мавлуда ИБРОХИМОВА.

Зангюта туманинаги  
40-мактаб томонидан  
2003 йилда Дилшод Ра-

мазонов номига берилган  
O'RA-1435112 ра-  
камли шаходатнома

йўқолганлиги сабабли  
БЕКОР КИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот кўмитасида 8 раками  
билиш рўйхатда олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тохририят компютер  
мөрказида терниди ва  
саҳифоланди.

Билиб қўйған  
яхши

ХУСНИХАТИНГИЗ –  
ФАЗИЛАТИНГИЗ

Алишер Навоий инсон уч нар-  
садан — булбулнинг хониши,  
арикда оқаётган сувнинг  
шилдираши, чиройли ва ха-  
тосиз ҳуснихатдан чинакам  
баҳра олиши мумкин деган  
энанлар.

Ҳуснихатнинг яна бир сир-  
ли жиҳати ҳам бор экан. Унга  
қараб, кишининг фазилатлари,  
хулқ-атвори, ҳатто, унинг кай-  
фиятини билиш мумкин экан.  
Ҳуснихатлар бўйича мутахас-  
сис, графолог олим Франсуа  
за Колзиннинг таъқидлашича,  
сўзларни бўйига ва чап томон-  
га кийшайтириб ёзадиганлар  
ўзларини ҳар қандай руҳий  
холатларда идора эта оладиган,  
бардошли кишилардир. Ҳарфларни  
чўзиб ёзиш — худбин кишиларга хос. Ҳарфлар-  
нинг учли ё бурчакли қилиб  
ёзилиши киши феълида жиз-  
закилик ҳусусиятлари кучлили-  
гидан далолат беради.

Сўзлардаги охирги ҳарфлар  
чўзиб ёзилган бўлса, ҳуснихат  
засининг тез таъсирланувчи,  
раҳмид эканини кўрсатади.  
Агар ҳарфларни тушуни бўлмаса,  
кишида ҳукмронлик хиссинг кучлилигини билди-  
ради.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА  
тайёрлади.